O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

AL- XORAZMIY NOMIDAGI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

*Qo'lyozma huquqida*

Matkarimov Xursand Olimboyevich

# FRANSUZ VA O'ZBEK EPOSLARINING QIYOSIY TAHLILI

5220100- Filologiya (ingliz, nemis, fransuz tillari)
Xorijiy filologiya fransuz tili ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavr darajasini olish uchun taqdim etilgan

**BITIRUV MALAKAVIY ISH**

**Ilmiy rahbar:** **f.f.n.d. H.Ro'zmetov**

**URGANCH-2012**

MUNDARIJA

**KIRISH**..........................................................................................................3

**I BOB ASARLAR TARIXIGA NAZAR**..........................................................11

1.1. "Roland haqida qoshiq" poemasining yaratilish tarixi.................................11

1.2. Alpomish dostoni haqida........................................................................16

**II BOB ASARDAGI EPIK QAHRAMONLAR**..............................................22

2.1. "Roland haqida qoshiq" va turkiy xalqlar eposlarini qiyosiy ta'rifi...........22

2.2. Fransuz va turkiy xalqlar eposlarida vatanparvarlik g'oyalarining ulug'lanishi...........................................................................................31

**XULOSA**...........................................................................................61

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**...........................................................63

# Кириш

Ўз тарихини билмайдиган кечаги

кунини унутган миллатнинг

келажаги йук.

И.А.Каримов.

Маьлумки бу дунёда хар кайси миллатнинг ўз афсонавий кахрамонлари ўзи севиб ардоклаган пахлавонлари бўлади. Халкимиз азалдан ўз вужуди ўз томирида мавжуд илохий кудратга муносиб бўлмокка интилиб ўз ўғлонларини мардлик ва халоллик жасурлик рухида ел-юрт учун жонини хам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келган. Шу маьнода халк оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш „Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган кахрамонлик кўшиғидир. Агарки халкимизнинг кадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса „Алпомиш” ана шу достоннинг шох байти, десак тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан хаёт – мамот синовларидан омон чикиб ўзлигини доимо саклаган эл-юртимизнинг бағри кенглиги матонат олийжаноблик вафо ва садокат каби эзгу фазилатларидан ўз ифодасини топган. Шу боис „Алпомиш ” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабок бўлади. Одил ва хакгўй бўлишга ўз юртимизни ,ор-номусимизни, ота-боболаримизни мукаддас мозорларини хар кандай тажавуздан химоя килишга ўргатади.

Бир пайтлар аникроғи ўтган асрнинг 50-йилларида миллий маросимизнинг кўпгина намуналари каби „Алпомиш ” достони хам миллатчилик рухидаги асарлар сифатида кораланиб катағонга учраган эди. Уша оғир йилларда фидоий зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб уни саклаб колишга муваффак бўлганликлари учун бугун миннатдорчилик билан эслаймиз.

Ўрта асрлар адабиёти антик кулдорлик жамияти ўрнида вужудга келган янги ижтимоий тузум –феадализм негизида шаклланди. Ўрта асрлар адабиётининг ривожланиши жараёнига уч омил- халк ижоди, антик саньат ва христиан дини маьлум даражада тасир кўрсатган. Бунда айникса халк поэзияси аньаналарининг ижобий рўли каттадир. Энг кадимий поэзия намуналари кўшиклардир. Чунки бу кўшиклар мехнат жараёнида яратилиб уларда мехнат шавк-завки куйланади. Кўшиклар ритмик характерга мос

тушган товушлар коллектив мехнат килувчиларнинг рухини кўтаради. Ўрта асрлар адабиёти ўн асрдан зиёд тарихий даврни камраб олади у икки бос кичга бўлинади¦

А) кабила тизимининг емирилиши ва феадализмнинг барпо бўлиши даври адабиёти

Б) ривожланган феадализм даври адабиёти

Ўрта асрлар адабиётининг бошланғич этаги X асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Лекин Европа мамлакатларида феодал муносабатларни турли муддатда шаклланганлиги туфайли бу даврлаштириш хам нисбийдир.

Ривожланган феадализм даври (11-15асрлар) да уч турдаги бадиий ижод халк адабиёти лирик ва феодал-рицар адабиёти мавжуд эди. Бу давр кахрамонлик эпосида рицарнинг ўз валинематига садокати биринчи планда тасвирланади. Бу13 аср охиригача давом этади,чунки бу давр ижтимоий хаётида рицарлар катта ўрин эгаллаб урушлар олиб борардилар ва уни ўз фойдаларига хал килар эдилар.

Кадимги француз поэзиясининг илк намуналари *мехна*т, жанговар юриш, маиший хаёт, диний урф-одат ва никох масалаларига бағишланган кўшиклар шаклида бунёдга келган. Халк хаётидаги алохида вокеаларни гавдалантирган бундай кўшиклардан эпик достонлар ташкил топган. Коллектив ижодининг самараси бўлган ва севги саргузаштларини кахрамонона курашларни акс эттирган бундай достонларда халк хаёти, умидлари ўз ифодасини топган.

Эпик поэзиянинг ижобий фавкулотда мард, жасур ва соглом сахий мазлумларга ёрдам бериш ва ватан учун жонини фидо килишга тайёр турган идеал инсонлар килиб кўрсатилган.

Оғзаки адабиёт аньаналарни ривожлантириб уларни авлоддан-авлодга етказиш йўлида катта хизмат килган халк куйчилари давр ўтиши билан кизикчилар ва кўшикчиларга бўлинганлар.

Халк бахшиларининг сатирик ва реалистик рухидаги ижод феодал тартиблари ва дин тасубларига зид эди. Шу сабабли черков эпик поэзияга душманлик назари билан караб унинг мазмунидан халкчил ғояни чикариб ташлашга уриниб келди

Кахрамонлик эпоси ва мазмунига бази бир ўзгаришлар кири тилди. Унга ўрта асрларда хукумрон бўлган феодал черков идеологияси тайзики остида християн дини таьсири ўтказилди.

Феодализм давридаги француз халк оғзаки ижодида эпик асарлар кенг таркалган. Француз кахрамонлик эпоси ”Chanson de geste”- шансон дў жест (вокеалар хакидаги кўшиклар) деб аталувчи поэмалар шаклида ривожланган. Бу кўшиклар мазмун эьтибори билан асосан уч шаклга бўлина ди. Биринчи – каролинглар циклидаги кўшикларда мамлакатнинг ташки ва ички душманларига карши курашган кирол образи намоён бўлади. Иккинчи – Гильом доранж поэмалар шаклида ватанга садокат хисси билан тўлган , лекин мамлакатнинг бирлигини саклашда ожизлик килаётган монарх (кирол)га ёрдам беришга тайёр турган кобилиятли вассал кахрамон образи акс этади. Доона де Майане номи билан юритиладиган учунчи цикл( Раул де Комбре) „Лотаринглар” деб аталадиган поэмаларда эса бир-бирлари билан конли урушлар олиб борувчи шунингдек киролга карщи курашувчи исёнкор феодаллар тасвирланади уларнинг хатти-харакатлари кораланади. Каролинглар циклидаги кўшикларда ва умуман бутун француз кахрамонлик эпоси да „Роланд хакида кўшик ” жуда катта ўрин эгаллайди. Умуман француз адабиёти Ғарбий Европада энг бой ва энг кадимий адабиёт сарасига киради.

Эпик поэзиянинг ижобий кахрамонлари одатда ўзбек адабиётида хам , француз адабиётида хам мард, жасур ва соғлом фавкулотда бекиёс кучга ега бўлган , ватан учун жонини курбон килишга кодир инсонлар образида гавдаланади.

Ўзбек фольклорларида халк достонлари алохида ўрин тутади. Олимлар XIX аср охирида XX асрнинг иккинчи ярмига кадар ўзбек бахщилари томонидан куйланган юз элликга якин достон борлигини аниклащган ва вариантлари билан кўшиб хисоблашганда улардан тўрт юзтагача асар ёзиб олишган. Фольклоршунос олимларнинг таькидлашларига биргина „Гўрўғли” туркумидаги достонлар юздан ортик ёзиб олинган варианти бор.

„Достон” форсча сўз бўлиб киса ,хикоя, саргузашт таьриф маьноларини билдиради. Адабий атама сифатида фольклорнинг хам ёзма адабиётида хам муайян жанрдир.

Халк достонлари фавкулотда хусусиятларга ега кахрамонларнинг бошидан ўтган кахрамонларнинг калтис вокеалар шеьр ва насрий номаьлум эпик асарлар хисобланади.

Халк достонлари асосан беш турга бЎлиш мумкин.

1.Кахрамонлик достонлари

2.Жангнома достонлари

3.Романтик достонлар

4.Тарихий достонлар

5.Китобий достонлар.

«Алпомиш» достони кахрамонлик достони турига киради.

Бу достони Ўзбекнинг буюк бахшиси Фозил ЙЎлдош томонидан кўлланган киркдан ортик варианти бор. Лекин уларнинг бирортаси вокеаларнинг кизикарлилигини ифодалаш таъсирчанлиги тасвирнинг

изчиллиги ўзбек халкига хос белгиларни акс еттира олиш кудрати билан Фозил Йўлдош ўғли айтган нусхага тенг келолмайди.

## 1. Боб Асарлар тарихига назар

### 1.1 “Ролланд хакида кўшик” поэмасининг яратилиш тарихи.

Халк бадиий ижодининг ажойиб намунаси сифатида маьлум “Ролланд хакида кўшик” 4002 мисрадан иборатдир. У француз ва испан халклари орасида машхур бўлган буюк поэтик ёдгорлик хисобланади. Ушбу кахрамонлик эпосининг пайдо бўлиши , тараккиёт этанларини яратиш масаласи анча мураккаб.

“Ролланд хакида кўшик” илк марта 1837 йил нашр этилган. Поэманинг дастлабки нусхаси Оксфорд нусхаси хисобланади. У Англияда 1170 йилларда ёзиб олинган . Поэманинг ўзи XI аср охири XII аср бошларида яратиб , асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган у сўнгги даврларда бадиий томонидан мукаммаллаштириб ихчам шаклга келтирилган. Кўщикда француз кироли Карлнинг мавр- сарацинлар билан олиб борган жангги тасвирланади, ғоявий мазмуни негизида ётган тарихий вокеалар тавсифида янада равшанлашади. Боғдод халифаси Карлга мурожаат килиб Испанияда мустакил мусулмон давлати ўрнатган. Абдурахмонга карщи курашда ундан мадад сўрайдилар эл-юрт фаровонлиги ва оила бахти ватан равнаки баралла куйлаган. Шу маьнода ушбу достон халкимизнинг уйғок хотирасидир. Шунинг учун хам бугун биз уни мустакил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва манавий уйғониш миллий ғурур ва ўз ўзини англаш рамзига айланган достон сифатида бахоламокдамиз. Президентимиз И.А.Каримов «Алпомиш» достонинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган нуткида алохида таькидлаганидек: «Алпомиш»-ўзбекнинг ўзлигини намоён киладиган мард ва танти халкимизнинг юра-юрагидан чиккан , ота – боболаримиз авлодлардан- авлодларга ўтказиб келаётган кахрамонлик кўшиғидир…

Аслида халкимизнинг кадимий ва шонли тарихи туганмас бу достон бўлса , «Алпомиш» ана шу достоннинг шохбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан хаёт-мамот синовларидан омон чикиб ўзлигини йўкотган халкимизнинг бағри кенглиги , матонат, олийжаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган».

«Алпомиш» достони халкимиз орасида жуда кенг таркалган ва асрлар давомида бахшилар томонидан куйлаб келинган. Шу билан бирга у туркий

халкларнинг муштарак достонидир. Унинг намуналари ўзбек , кораколпок, козок, олтой халклари эпик ананаларида достон холида татар бошкирд халклари орасида эса аникроғи , оралик шаклида сакланиб колган хамда бу халкларни тил хусусиятларига кўра «Алпомиш» «Алпомис» «Алпомис ботир» «Алип-манаш» «Алпамша» «Алпамша ва Барчин сулув» каби номлар билан юритилади. «Алпомиш» достони миллий версия ва вариантлариниг фанда аникланищи ва ёзиб олиниши бир вактда ва бир хил даврда рўй берган эмас. Масалан достоннинг козок ва кораколпок варианти XIасрнинг охири ва XXасрнинг бошларида ёзиб олинган бўлса ,ўзбек вариантлари анча кеч 20-йилларнинг бошларида аникланган. Олтой версияси эса , икки вариантда 1939 ва 1957-йилларда ёзиб олинган. Энг кўп  ёзиб олинган ўзбек , кораколпок вариантларидир. Кораколпок версияси саккиз вариантда , ўзбек версияси эса ўттиздан ортик халк достонидан тўла холда парча баёни тарзида ўттиз бещ марта ёзиб олинган. Бу хисоб достоннинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти фольклор архивида сакланаётган нусхаларигагина тегишлидир.

У архивнинг 18-инвентар бирлигида сакланади . «Алпомиш» достони ўзбек версияларининг тўпланиш нашр этилиши ва ўрганилиш тарихи ғоятда кизикарлидир. Бу ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиши билан бевосита боғликдир. 1922-йилнинг ёзида биринчи ўзбек профессори Ғози Олим Юнусов илмий сафарлари чоғида ўзбек шевалари ва этнаграфиясини оид материаллар тўплаш билан бирга Хамрокул бахши ва Фозил йўлдош ўғлидан «Алпомиш» достонинг бир кисмини ёзиб олди. Унинг маьлумотига караганда кўлёзма эллик сахифадан иборат бўлган.

«Алпомиш» достони 1926-йилдан бошлаб етакчи халк бахшиларидан тўла равишда ёзиб олина бошлади. Дастлаб Абдулла Алавий 1926-йилда машхур фольклор тўпловчи Мухаммаднисa Эрназар ўғли атокли халк шоири Рўлкан вариантини ёзиб олди.

Машхур фольклоршунос олим Ходи Заруфнинг маьлумотига караганда , бу вариантини ёзиб олиниш жараёнида атокли халк шоири Эргаш Жумамбулбул ўғли иштирок этган ва унинг айрим ўринлариунинг оғзидан ёзиб олинди . Шунингдек А.К.Бороков 1928-йилда Мавлан Пармат ўғлидан достоннинг мазмунини ёзиб олди ва уни 1956-йилда «Ўзбекистон Фанлар академияси Ахборотнома»сининг 11-сонида ўзбек ва рус тилларида нашр этади.

Достоннинг бадиий жихатдан енг мукаммал варианти Фозил йўлдош ўғлидан 1928-йилда Махмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган нусхаси хисобланади.

«Алпомиш» достони нафакат оғзаки тарзда , балки шоир Хамид Олимжон нашрлари оркали кенг таркалган. Аммо 1957-1958-йилларда Х.Олимжон томонидан нашр этилган достоннинг бир канча асосан унинг сўзлар тахририда баьзи бир камчиликларни жумладан олий ўкув юртлари ўкув дастурлари хамда дарсликлардан муносиб ўрин олганлигига , унинг мотивлари асосида драммалар ва театр спектакллари яратилганлигига карамай , А.Абдунабиев ва А.Степанов каби «танкидчилар» хам топилганлиги улар 1952-йилда «Правда восточка»газетаси ва «Звезда восточка» журналида эьлон килинган маколаларида достонни халкка карши рэакцион асар сифатида бахоланганликлари шунингдек шу йилда тил ва адабиёт институти хамда ёзувчилар уюшмасининг биргаликда ўтказган кенгаши хам достоннинг ғоявий мазмунини бузиб уни «Конли урушларни кўкларга кўтариб мактовчи , хон ва бекларнинг талончилиги ва уларнинг камбағал халкка ўтказган зулмини дабдаба билан куйловчи миллатчиликни тарғибот килувчи , халкка карши асар» -деб бахолашгани ўзбек фольклоршунос олимлари томонидан таькидлаб ўтилган.

Хакикий фольклоршунослар бундай ғайри илмий бахо билан келиша олмайдилар. Ходи Зариф , Мансур Афзалов каби олимлар 1954-йилдаёк эпос масалаларига бағишлаб Москвада ўтказилган кенгашда сўзлаган нутkларида «Алпомиш» достони бадиий юксак халкчил асар эканига асослаб уни ўрганиш учун махсус илмий конференция ўтказиш зарурлигини таькидлайдилар. Шундай конференция 1956-йилнинг сентабр ойида Тошкентда ўтказилган конференцияда ва 1959-йилда «об эпоси» «Алпамыш» номи билан эьлон килинган унинг материалларида достонга нисбатан хакикий илмий бахо беришда уни ўрганиш ва нашр этишга йўл очади. Натижада В.М.Жермунский ўрганищ «Сказание об Алпомыше и боготырская сказа» ушбу сатрлар муаллифнинг «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари монографиялари босилиб чикди, достон бўйича номзодлик докторлик диссертсецияларини химоя килишда янги вариантларни ёзиб олишга киришилди ва бугунги кунда хам у хакида илмий фаолият олиб борилмокда.

Бугунги кунда фольклоршунос олимлардан Зумрад Хусанова, Музаяна Алавия, Мансур Афзалов, Тура Мирзаев,Шомирза Дурдимов каби олимларни

„Алпомиш ” достонини ўрганиш ,чоп килишга бағишланган илмий фаолиятларини алохида кайд этиб ўтиш керак.

Фольклор архивида сакланаётган достон кўлёзмаси 946 сахифани ташкил этади. Достон шерий кисмининг ўзи 1375 мисрани ташкил этади. Кўлёзманинг дастлабки сахифасида 1927 йил 4-июн санаси кўрсатилган. Достоннинг ёзиб олинишини ташкил этган Ходи Зарифнинг барча асарларида унинг каламга олиниши санаси 1928 йил деб кўрсатилганлиги хам айтиб ўтилган.

Бугунги кунда хар бир авлод «Алпомиш» каби кахрамонлик эпосини асраб-авайлаб келгуси авлодга етказиш уни куйлаб калбига , шуурига жо килган миллатни хеч канай куч енга олмаслиги президентимиз томонидан таькидлаб ўтилган экан. Бу асар хеч качон авлодлар ёдидан чикмаслигига ишонамиз.

## 2. БОБ Асарлардаги эпик кахрамонлар

### 2.1 Роланд хакида кўшик ва туркий халклар эпосининг кисмий таьрифи

Ролланд –феодализм даври билан алокадор образ. Лекин унинг эпик кахрамони сифатидаги киёфасида архаик эпосдаги образларга хос холатлар ўз ифодасини топган. Эрон эпоси кахрамони Рустам тасвири берилишича у биргина онаси сутидан каноатланмайди шу сабаби уни 12 та енага эмизиб бокади. Хар бир эпик кахрамон биринчи жасоратни ёшлигиданок намоён килади. Бунга мисол килиб ўзбек эпосидаги Эдиго Гўрўғли , Алпомиш образлари фаолиятини кўрсатиш мумкин. Роланд хам илк жасоратини ўз тенгдшлари даврасида жуда ёш пайтида амалга оширади. Эпик кахрамоннинг дуализм билан боғлик  дўст тутиниши мативи жахон халклари эпоси учун умуммиллийлик касб этувчи холатдир. Мазкур матив  Роланд фаолиятида хам мавжуд. Маьлумки «Алпомиш»да Коражон «Манос» да Бокай „Гўрўғли ” да-Бозирган каби беш кахрамонга  кўмакчи бўлган образлар француз эпосида хам мавжуд. Роланд Оливе фаолияти бунга мисол бўла олади. Француз эпосининг туркий халклар эпоси билан уйкаш келадиган лавхвлари анчани ташкил этади. Аксарият холларда эпик кахрамон хукумдори билан бахс мунозарага бориб колиб жазолашади ёки юртидан бадарға этилади. Ногхон мамлакатга ёв хужум килиб колади ва хукумдор бу хавф олдида ночор бўлиб колиб, бадаргакилинган баходирдан мадад сўрайди. Туркий халклар эпосида бундай лавхалар кўп учрай ди. Хоразмда машхур бўлган „Маликаи Завриё” достонида худи шундай лавхаларга дуч келиш мумкин. Олимжон исмли йигит Зарафшохнинг кизи Сўнажонни севиб колиб шох билан бу масалада  келиша олмай зиндонга ташланади. Ўша пайтда Мамдшох исмли подшох Зарафшохнинг элига бостириб келади. Икки ўртада уруш чикиб  Зарафшох ёвга бас кела олмай Олимжонни зиндондан озод килади. У эса Мамадшох кўшинини тор-мор килиб Зарафшохнинг элини саклаб колади.

Зарафшох эса кизини Олимжонга никохлаб беришга рози бўлади. Бундай холатлар феодал холатда тез-тез рўй бериб туради. Хамиша хам хокимият тепасида мустакил шох ички ва ташки зиддиятлар натижасида мамлакат бошида тушган кулфатни бартараф кила олмаган. Натижада халк орасида чиккан ватанпарвар ,жасур бир баходир эл кайгусига шерик бўлиб мамлакат такдирини яхши томонга бўлиб юборган.

Эпик кахрамоннинг баходирликларини баён этувчи достонларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг мамлакат такдирини хал килувчи жасоратини мадх этувчи асосий сюжетни илк маротаба асар

сифатида пайдо бўлади. Ушбу сюжетнинг оммавийлашиши эпик кахрамоннинг машхур бўлиб халк орасида таркалишига замин яратди. Натижада сюжет марказида турувчи баходир образи идеал кахрамон даражасига кўтарилди. Кейинчалик ўша баходир хакида туркум достонлар пайдо бўла бошлайди. Туркий эпос , хусусан ўзбек достончилигида Эдиганнинг Тўхтамишхон билан тўкнашуви дастлабки сюжетни хосил килган бўлса эпик кахрамоннинг мўжизавий туғулиши мотивлари кейинги даврларда яратилиб достон сюжетига киритилган. «Гўрўғли» эпоси хакида хам ўша фикрни айтиш мумкин.

«Роланд хакида кўшик» асарида хам ушбу хусусият кузатилган. Унинг жасоратли ёшлиги хакида «Аспемоыр» поэмаси юзага келган

Бу холат эпик кахрамон фаолияти даврасида туркумликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Жахон халклари эпосида эпик кахрамонларнинг ўзаро бир-бирига якинлашувчи лавхалар кўпчиликни ташкил этади. Эпик кахрамон хакида сўз кетганда унинг оти ва курашини узвий бирликда олиб караш лозим бўлади. Ғарб ваШарк фольклорларида ушбу хусусият бир-бирига тўлик мос келади.

Туркий эпосда Гўрўглининг гўрда туғулиши ,Эдиганнинг паридан туғулиш семурғ уясига ташлаб кетилиши баьзи бир эпик кахрамонларнинг мева, сув ва шамол таьсирида партнеогенезис кўринишда туғилиши каби ходисалар кўплаб кузатилади. Албатта бу масала архаик эпос , кўпрок мифология билан боғланиб кетади. Ролланд яшаган давр жамиятнинг айни тараккий этган даврига тўғри келади . Шу сабабли Ролланднинг туғилишида ғайритабиий

Бирок унинг туғилишидан кейинги ёшлиги хакида бир лавха борки, бу тасвир укувчининг эьтиборини узига тортади. Кушикни исланд версиясида тасвирланишига туғилганидан сўнг бир ярим соат ўтган. Ролланд темирдан ишланган совут , пўлатдан ясалган килич ва уч юз пуд оғирликдаги гурзини талаб килади. Бундай муболағани тасвирлар жахон халклари эпосида кўплаб топилади. Айникса туркий халклар фольклорларида эпик кахрамоннинг жисмоний кувватига алохида эьтибор каратади. Ушбу лавхага ўхшаш тасвирлар «Алпомиш» каби эпосларда айникса кўпрок кўзга ташланади. Эпик асарлар бир халкдан иккинчисига ўтиш табиий ходиса сифатида каралади. Лекин унинг дастлабки яратилган макони ўзгаришсиз колади ва миллий рухни саклайди.

«Ролланд хакида кўшик» XII асрдаёк немис тилига таржима килинган шу сабабли асар немис халки орасида жуда машхур. Хатто унга хайкал хам кўйилган. Бирок Ролланд француз халкининг миллий кахрамони номини саклаб колган. Чунки таржима асарлар оргиналдаги хусусиятдан четга чика олмайди.

Туркий халклардаги эпик асарларнинг таркалишида бошкача бир холат кузатилади. Бу халкларда эпос бахшилар алокаси асосида бир миллатдан иккинчисига ўтади. Бу эса таржима воситасида эмас балки ижодий ўзлаштириш жараёнида содир бўлади. Бирок бу халкларда таркалган версиялар бир биридан жиддий фиркларга эга бўлади. Чунки хар бир халк бахшиси эпос мазмунини ўз миллати доирасида кайта ишлайди, ўз дунёкарашига мослаштиради, ўз аудиторяси талабига бўйсундиради, асрни миллий ўзига хослик асосида яратди.

Албатта хар бир минтака ўзининг бетакрор хусусиятлари билан бир биридан жиддий фаркланади. Шу сабабли «Ролланд хакида кўшик» испан, герман,италян, халклари орасида ёйилиши мумкин. Аммо ўзбек ёки туркман бахшиси репертуарига ўта оладими? Худди шундай «Алпомиш», эпоси хам француз ёки немис фольклорига бориб мослаша оладими? Бу саволларга жавоб беришда авваламбор илмий дунёкараш бир бирига мос келсагина фольклордаги эпос бошка миллат маьнавиятини бойита олиш шунингдек унинг фольклордан жой олиши мумкинлигини уктириш зарур. Энди халклари эпик кахрамон унинг оти,куроли илк жасорати умуман эпик биоградясидаги ўхшашлик масаласига келсак бу холат инсон хаётининг ибтидоий даври билан узвий боғликдир. Хар кандай ўхшаш турмуш тарзи ўхшаш ғояларнинг туғилишига сабаб бўлади. Эпосдаги тайёр мотивларнинг келиб чикиши ўша топологик ўхшашлик билан узвий боғлик.

## 2.2 Француз ва туркий халкар эпосида ватанпарварлик ғояларининг улуғланиши.

Кўшикда вокеалар халк эпосига хос тарзда муболаға билан берилади, кахрамонлар Ролланд, Оливер, Карл фавкулотда кудратли забардаст килиб кўрсатилади.

Ролланд ўз сюзернига содик вассал хар кандай вазиятда хам ватанини химоя килишдан кайтмайдиган кахрамон совукка хам, жазирама иссикка хам бардош берадиган мард ва жасур жангчидир. Ролланднинг жўшкин ватанпарварлиги соткин феодал Ганелоннинг мунофиклигига карама карши куйлайди.

Sire Olivier,abritant ses papiéres,

Du haut d'unroe apercoit,soucieux,

Heaumes brilliants d'or et des fines pierres,

Haubetrts  brilliants, bruns, et luisants épieux,

Il en voit tant qu'il n'en croit pas ses

Ah! Ganelon! Fait-il avec colére ,yeux.

Ah! Ganelon! ,le traitre "Parlez mieux,

Lui dit Rolant ; car il est mon beau père" .

Rolant est preux, mais Olivier est sage;

Et leur bravoure est pareille "Rolland"

Charles n'a point franchi l'etroit passage;

Il reviendra , Sonnez de l'Olifant!"

Non pas. Je veux que nue homмe vivant

Ne puisse dire : il eut visage blème.

Notre Esperance est dans l'acier sanglant.

Plus nous frappons , plus l'imperieur nousaime."

Кўшикда мухим ўрин тутган Ганелон образида замоннинг сиёсий зиддиятлари ва феодал ўзбошимчаликлари кораланади. У кандайдир тасодифий ёки ўз шахсий манфаати йулида харакат килувчи мунофиккина эмас балки жасур ва салобатли кишидир. Ролланд уни Сорогос султони Марсинмий хузурига Карл томонидан вакил томонидан борсин, деб таклиф килганда у бундай топширикни хавфли еканини билса хам , бўйин товламайди. Лекин Ролланднинг бу таклифини ўзини халокат ёкасига судровчи зимдан килинган адоват белгиси деб тушунади, бинобарин ундан ўч олмокчи бўлганини яширмайди. Бирок бу султон билан учрашганида ўз максадини билдирмайди, балки Сарагос хокимига дўк килади . Карллнинг христиан динини кабул килиш хакидаги талабларининг индивидуал хусусиятлари ва ватанпарварлиги янада бўрттирилади.

Olivier passé, et le compte l'appelle:

“Ami, fait-il , à bon droit nous plaindra

Pour son Malheur douce France ,la belle

Qui va rester veuve de tells barons

Ah ! si,du moins , à grands coups d’éperons

Charles aceourait! Répondez-moi,mon frère,

Vous, le plus cher de tous mes compagnons;

Pour qu’il nous viene aider, que faut-il faire?

“je ne sais pas lui répond Olivier

La mort volut toujours mieux que la hante”

“Ecoутez- moi ,beau sire chevalier:

Je vais sonner du car ,reprend le compte,

Charles viendra du car , reprend le compte

Mieux vaut pour nous une mort digne et prompte

Voyez : déjà vous êtes tout sanglant “.

Ранцевал дарасида юз берган дахшатли вокеа , Роланд другинасининг фонемаш халокати , граф Ганелоннинг хоинлиги Карл кўшинига катта талофат етказди. Шунинг учун хам вокеа Ролланднинг ўлими билан тугамайди, балки Карлнинг ўз дущманларидан ўч олишни баён етиши билан якунланади. Фожеа хабарини эшитган Карл аскарлари билан оркага кайтиб, Роллан ва бошка халк бўлган жангчиларни учун ўч олиб марра мунофик Гамелонни каттик жазолаб ўлдиради. Гамелон ўз мафаатини мамлакат манфаатидан устун кўйган ва ўша жамиятнинг ярамасликларини мужассамлаштиради. Гамелон образи оркали халк оммаси бошига сон-сонксиз кулфатлар келтирган, мамлакат кудратига путур етказган феодал фитначилиги кораланади. Бу образга «Алпомиш» достонидаги Сурхайл кампир ва унинг ўғилларини киёслаш мумкин. Унинг етти ўғли бор эди. Каттаси Кўкалдош, Кўкаман,Кўккашка, Бойкашка ,Тойкашка, Кўшкулок кенжатой Коражон эди. Еттиси хам зўр, кучли, алп йигитлар эди, хар кайси тўксон ботмон темирдан совут кайишган, хар кунига тўксон кўйнинг этини еган алп мерганлар эди.бу етти ўғлон маслахатлашиб Бойсарини кизикни хотинликка сўраш пойида бўлдилар. Кўкалдош бошчилигида тўксон алп

ўкнинг кизи Барчинойни ё биримизга ё баримизга хотин килиб оламиз деб Чилбир чўлидан Бойсарининг уйи теварагигиа тўпланадилар. Бойсари олти ойгача мухлат олиб ,ўн минг уйли кўнгирот элининг одамлари билан маслахатлашиб туради. Шунда Ёртибой деган оксокол Бойсарига караб, шундай дейди.

Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди,

Бу элларга бошлаб келган ўзингди

Тортинмай берабер энди кизингни

Хазил килма , менинг айтган сўзимди.

Бу алпларни киёв килиб оламиз,

Мина элга эркин бўламиз

Болаларни тога-жиян киламиз

Мина элда бизлар даврон сурамиз

Маслахатни сенга шундай берамиз

Бу сўзни Ёртибойдан жийиб Бойсарининг жуда кўнгли бузулди. Бу гапларни Барчин эшитиб колди ва отасига «Алплар билан ўзим гаплашаман деди. Шунда колмоклар ёпирилиб Барчиннинг ёнига якинлашади ва тўксон алпнинг зўри Кўкалдош¦Ё биримизга тег ё баримизга тег. Бир жавоб айт.»-дейди. шунда Барчин шундай дейди¦

«Эшитгин,калмоклар айтган тилингнан ,

Мени олмас келмас кўлингдан.

Бадбахт колмок, колма йўлингдан

Мени олмокка хаддинг борми, колмоклар

Менинг тўрам билан , Бойсуннинг хони

Унга курбон мендай ойимнинг жони.

Оти Хакимбекдир элда даврони.

Кўп айланма бунда калмок, беьмани.

Калмокларга киёмат кун бўлмайми,

Армон билан сендай алплар ўлмайми,

Холинг билиб, тўғри юрсанг бўлмайми?!

Буни эшитиб Кўкалдошни жахли чикади ва Кўкаманга,, ўзбекнинг кизин судраб чик бу ёкка ”дейди. Шунда чодирга Кўкаманни бир кўтариб, чап тиззасини унинг кўксига кўяди. Буни кўриб барча алплар отдан тушиб Барчин ёнига караб юрадилар. Барчиной Кўкалдошни алпларнинг зўри эканини билиб алпларга караб, улардан олти ойга мухлат сўрайди. Кўкалдош рози бўлади.

Барчин ўн минг уйли кўнгиротнинг йигитидан ўн йигитни сайлаб олди. Отасининг йилки подасидан, ўн отни сайлаб олиб йигитларга беради. Ўн йигитдан Алпомишга хат жўнатади.

Кечани мунаввар килган тўлган ой,

Саваипи кун тортади парли ёй.

Бандом десин , рахм айласин бир худой ,

Камолда талашда колди Барчиной,

Борсанг ,салом ўйнаб ўсган элларга ,

Калмоклар йиғлатди мендай санамди,

Юрагимга тўлган доғу аламди.

Албатта сўранглар мактаб жўрамди,

Мунғайиб сўз айтар мендайин муштипар,

Кеча-кундуз шабгир тортинг, хизматкор,

Жиловдоринг бўлсин имьом, чилтонлар

…. Сўз айтар сизларга мендайин санам,

Калмокка колмасин гулдайин танам.

Сен бориб кўрарсан кўнғирот элимди,

Бошимдан кўтарсин кайғу зулумди…

Чопарлар Бойбўрининг давлатхонасига етиб келишди. Хатни Бойбўрига беришди. Бойбўри Алпомишнинг Калмок юртига боришини

истамайди. Шунинг учун хатни сандикка яшириб кўяди. Хатни Алпомишнинг синглиси Калдиргоч акасига беради ва Барчиннинг ёнига Кашалга боришга ундайди.

Ғўланднинг дўсти Оливынинг образини достондаги Коражон образига киёсласак бўлади. Коражон Сурхайл кампирнинг еттинчи ўғлидир. Кашал ғорида калмокнинг ичинда Коражон алп бир туш кўради. Тушида кирк чилдан билан расул пайғамбаруни мусулмон килишади, уни Алпомишга дўст тутинтиришади. Коражон билан дўстлашган Алпомиш уникида мехмон бўлади ва дўстини Ойбарчинни хузурига элчи васовчи килиб жўнатади. Коражон туриб айтди¦„Кани Барчин Алпомиш бўлса-келди, алпларнинг мухлати бўлса битиб колди. Сен нима деб жавоб айтасан?" Барчин айтди¦ Алпомиш келса келибди-да. Алпомиш кепти деб Алпомишнинг етагидан тутиб кета берайми?

Бу алплар хам умид билан олти ой мухлат берган. Хар ким майдонда от солади.,отини ўздирган одам олади. Хар кимнинг ўз кўнгли ўзида колади.менинг тўрт шартим бор. Шул тўрт шартимни бажарган кишига тегаман. Хохи Алпомиш килиб олсин хохи калмокларнинг бири килиб олсин шу сўзимни хон тўрамга айтиб бор, дейди.

От чопса гумбурлар тогнинг дараси

Ботирни ингратар найза яраси

Келган бўлса кўнгирот элнинг тўраси

Кирк кунлик йўл Бобохоннинг ораси.

Бобохон тогида пойга киламан,

Кўздан ёшни мунчок-мунчок туздурса,

Оти илдам бойваччага тегаман.

Мендайин ойимнинг холин билганга,

Ўша юртданмехнат тортиб келганга

Мен тегаман шу ёяндоз полвонга

Ганим кўрса , кийомат кун солганга

Ўша юртдан излаб халок бўлганга

Минг кадамдан, танга пулини урганга

Мен тегаман шу кирғай мерганга

Сабаш бўлса, бу ишбаниб чикканга

Кураш килиб тўксон алпни йикканга

Мен тегаман нор билакли полвонга

Зўр бўлса хам ,кўна берсин гулшанга

Баб-баравар килдим яхши-ёмонга

Мен тегаман тўрт шартимни килганга.

Коражон кайтаётиб акаси Кўкалдошни кўради ва Барчиннинг шартларини айтади. Коражон Алпомишнинг оти Бойчиборни миниб юрган эди. Унинг хайбатини кўриб Кўкалдош синчисини чакиртиради ва от хакида фикрларини сўрайди. Синчи отни яхшилаб кўргач «Ўзбекнинг кизига бурилмай кўяғуй»-дейди. Кўкалдошнинг аччиғи келиб , синчини икки кўзини ўйиб олади.

Бу ерда Кўкалдош образини хеч нарсадан тап тортмай , ўз манфаатини ўйлаб килган хунрезликларини келтиришга хатто ўз укаси Коражон ва унинг оти Бойчиборни пойгада ўзиб кетмаслиги учун уни дўппослаб боғлаб ташлашади. Бойчиборнинг туёғига мих кокишади. Чунки Коражон Алпомишнинг ўрнига от пойгасида катнашаётган эди.

… Бари калмок ўртада алади,

Коражон ёлғизда килади.

Бу калмоклар кўплик килиб туради.

Калмок бари хаста кўнглин хушлади.

Коражоннинг билагидан ушлади.

Ўлдиришга кўзикиймай туради.

Неча сўзни бу калмоклар ўйлади.

Коражонни кулола кип бойлади.

Харчанд чираниб кўрди Коражон номдор

Калмок кўпда бўлолмади баробар

Хазон бўлса боғда гуллар сўлар деб

Ажал етса паймонаси тўлар деб

Бўшалса , бир кун ўзи борар деб

Шумгут бўлди шу жувормак ўлар деб

Бош бўлиб Кўкалдош бойлаб ташлади.

… Бойловчи колгандир Коражон номдор

Бойчиборни ўртага олди калмоклар

Хар тарафдан унга аркон солади.

Бойчибор Коражоннини шундай тортиб бойлади.

Оёғини ўраб ,кериб тайлайди.

Ахмок калмок отга зулм килади.

Туёғига гул михлари уради

Урган гулмих ялпок тизга келади.

Чинкираб кишнайди бойловчи чивор

Сиёсатман зарб кўрсатди калмоклар.

Бойчибор ва Коражон бойловчи етиб пирларга ёлворади ва улар ёрдамида туткунликдан озод бўлади ва пойгани давом эттирадилар . Пойга олдида Кўкалдош, Кўкдунан билан Коражон бўлса Бойчибор билан михдан азоб чеккан оппок кўпикка ботган эди. Буни дурбинда кўрган Алпомиш бехуш бўлиб йикилади. Барчин хам буни дурбинда кўради ва барибир пойгада Бойчибор ғалаба килади. Оёғидаги михлар озор бериб хоннинг чибор оти тапа тушиб ётади. Туёғидаги михларни кўриб бир сўз деб турибди.

Менинг учун хайвон азоб кўрибди,

Шу мих билан Бобохондан келибди.

Пўлатни еритар кизларнинг дами

Барчинойим кўриб ўйлаб туради.

Урган гулмих ялпок тизга келади.

Чорсисини туёкка ёзиб олади.

Тўрттала шартда хам Алпомиш ғолиб чикади. Кўкалдош курашда мағлуб бўлади. Чилбир чўлида кирк кунгача бўлади.

…Халкдан келган ишга бўйин едирди. Ўн минг уйлик элни жийдирди. Хабар берди шунда отлар чоптириб намойишга ок ўтовлар ёпирилиб Барчинойга тўй килмокчи бўлади. Чилбир чўлдида тўйни бошлаб колади.

….Кирк кундан кейин тўйлар охир бўлади, Бойсари билан Бойбўри ярашади ва ўн минг уйли кўнғирот ахли Бойсунга караб йўл оладилар.

Барчинойнинг бир сўзлиги ва ўз ёрига садокатли каби фазилатларни «Ролланд хакида кўшик» поэмасида Ролланднинг севгилиси Альдага киёслаш мумкин. Ролланд билан Оливыенинг оғир ярадор бўлиб ватан учун жон беришлари Карлнинг Рансеваль урушида халок бўлган баходирлар тепасида туриб кўз ёши тўкиш ,севганининг ўлимини эшитган гўзал Альданинг ғам билан дунёдан кўз юмиши тасвир этилган эпизодлар китобхон калбида чукур из колдирди.

Notre empereur , emmenant Braimonde

Franchit les monts ;vers Bordeaux il descend

Sur grandes nefs travers la Gironde

Parvient a Blaye ,et fait mette Roland

Sire Olivier et Turpin le voillant

Sous trios tombeaux de pierre blanche et belle.

Puis , par montagne et plaine cheveau chant

Dans Aix, enfin , il rentre ensa chapelle.

Dans son palais il est a peine entre .

Que jusqu’a lui la belle Aude S’avanel

“ Ou dans est-il Roland qui m’ajoure

De m’epouser dis son retour en France “

Charles –gemit ; puis , après un silence

“ Mort , repond –il est celui que tu dis …

Soeur chere amie , apaise la souffrance ,

Et ton epoux sera mon fils houis”.

De tels propas, sire , me sont estranges

Dit la belle Aude ,Et, douse , elle reprend:

“A Dieu ne plaise et ne vivillantses anges

Que , d’un seul jour , je survive a Roland!

Elle durent tante pale en parlant

Et tombe aux pieds de Charlemagne morte.

Tous les barons l’appellent en pleurant;

Mais c’est fini: sa doileur fut trop forte.

Ролланд образида ватанга мухаббат халкка хизмат килиш муддоси ўз бурчига содиклик мардлик туйғуси ва бошка олижаноб инсоний хислатлар мужассамлашган. Бу фазилатлар рицар Ролланди халкни севувчи , содда, жамият манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўядиган кахрамон сифатида гавдаланади. Унинг асл исми Хакимбек эди. Хакимбек етти ёшга кирганда Альпбей бобосидан колган ўн тўрт ботмон бригдан бўлган парли ёйни кўлига ушлаб, кўтарган тортиб кўшиб юборди. Ёйнинг ўки яшиндай учиб, Аксар тоғининг чўккиларини юлиб ўтади ва овозаси оламга кетади. Шунда барча халойиклар йиғилиб келиб , дунёдаги тўксон алпнинг бири бўлсин деб унга Алпомиш деб от кўйилади.

Достонда Алпомиш бекиёс кучга эга бўлгани бўрттириб берилган. Алпомишни кўргани Кўкалдош бошлик тўксон алп кўргани келишди. Алпомиш уларга бурилиб карайди Кўкалдошдан ташкари барчаси отдан таппа-таппа ташлайди. Хатто унинг караши шундай кудратга эга эканлиги бўрттириб кўрсатилган. Достонда Алпомиш нинг оти Бойчиборни , Кўкалдошнинг кўса синчичини кўради ва унинг шундай таьрифлайди « Сағрисининг устидан кулоғининг ўртасигача йин тўксон олти карич чикди. Саьрисини силаб , бурнидан найча кўйиб дурбин билан караб кўрдиким , кўрдиким , кўлтиғида тўрт ярим газ каноти таклам- буклам бўлиб ётир.

«Алпомиш» достонида севги , мухаббат туйғуси ,она ватанга мухаббат туйғуси билан уйғунлашиб кетган.

«Ролланд  хакида кўшик» поэмасида эса севги мавзуси йўк. Ролланд хатто жон бераётган пайтида унинг учун жонини беришига тайёр севгилиси Альда хакида ўйламайди. Роланд учун азиз «Франция» дан кўра мукаддас сўз йўк. Жангда юткaзиб  жон бераётган пайтида юзини душманга каратиб туради, каддини баланд тутиб ғолиблигини исботлаб тургандек эди. Поэмадаги шеьрий жўшкинлик  асарга жўшкинлик ва салмокдорлик бахш этади. «Кўшик» нинг тили тасвирлари ёркин ва ранг-барангдир. Иборалар соддалиги билан тасвирнинг халкчиллигини орттиради.

Les chefs paiens, dans un tumulle immense

Entrainent plus de cent mille hommes,

Bleu, vermeil au blance,au bout de chaque lance.

Un gonfanon se déroule “VraiDieu”

Cri Olivier, nous aurons d’ici peu

Grande betaille. Au loin l’acier flambae

Et, regardant cette vagrude feu:

“Bataille? Dit Roland. Dieu nous l’actroic !

Романда Ролланд, Оливиер, Карл образлари муболағалари билан бойитилган. Ролланд образи хеч нимадан кўркмайдиган жасур, куч кувватга тўла , факат туғилган ватани ва ўз киролига содик пахлавон ёш йигит тасвирланади. У хаддан ташкари кизиккон Ранцевал дарасида жудаям кўп душманларни кўргач , уларга бас кела олмаслигини билади. дўсти  Оливиер жанг бурғусини чалиб Карлдан ёрдам сўрашни маслахат беради. Лекин Ролланд жанг бурғусини чалсам улар мени кўпрок ўйлашади душманларнинг кўплигини кўриб саросимага тушади. , деб ўйлаб Карьлни  ёрдамга чакирмайди. Оливиер ундан кайта-кайта бурғусини чакириб ёрдам сўрайвергач, Ролланд ўзининг Дюранддан деб номланган киличини уч марта тошга уради ва бу килич билан жудаям кўп душманларни енганман , кўп кахрамонликларга гувох деб наьра килади.

Оливиер образи  Ролландга караб кўйилган. Оливиер жуда вазмин, босик , доно инсон , мард пахлавон образи сифатида гавдаланади.

Карл образи поэмада соч-соколи окарган , келишган , жуда бакувват , доно кирол деб тасвирланади. Лекин поэмалардаги тарихий вокеаларга мос келмайди. Бу даврда Карьл 36 ёшда бўлади. Шундай бўлса хам поэмадаги

кахрамонларни бир-бирига мослаштириш учун Карьл шундай килиб тасвирланган.

Карл образи идэал образдир. У феодал христианоламининг таянчи , ватанга содик вассалларнинг отаси, кекса доно киролдир. У фаол курашчидир. Ролланднинг ўлими учун марвлар омири Болигант билан якка олишувга чикади ва уни ўлдиради. Ўзининг 12 нафар баходирлари халок бўлганда жуда ачинади.

Поэмада рицарларнинг иши –жанг олишувдир. Бу олишув жанг рицарлар учун жуда катта ахамиятга эга. Хар бир рицарнинг шахсий нарсаси бор. Улар номланган масалан Дюрандал, отининг номи Валентиф, киличи Аптеклер (уткир тигли) ва бошка кахрамонларни киличларига , отлари хам номланган.

Мавр амири Балигант хам Карлдан колишмайди. У хам кекса , аклли мохир жангчи ,ватани учун хама нарсага кодир кахрамон образидир. Поэмада 12нафар сарогослик бахадирлар карши кўйилган Роланд образига эга сорогос султони марсилийнинг жиянiобрази мос келади.

Францияликларнинг мукаддас христиан учлигига еса – уч нафар мавританиялик рухонийлар Аполин ,Мухаммад ва Тервагканлар карши кўйилган.

Поэма кахрамонлари –баходирларнинг куч-куввати хаддан ташкари бўрттириб берилган. Масалан Ранцевал дарасидаги жангда 200 нафар франк жангчиларга карама карши кўйилади. Ролланднинг жанг бурғусининг овози 30 мил наридан хам эшитиларди. Христиан рицарларининг бир мартагина киличи зарбидан душманни ўлдирган ва шу каби фантастик эпизодларга бой поэмадир.

«Алпомиш» достонидаги энг кизғин нукта бу Бойсари ва Бойбури аразлашиб колишидир. Бир куни Хакимбек китобдан бахил ва сахий одам хакида ўкиб колади. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан ¦кейин нимадан бахил бўлади нимадан сахий бўлади деб сўрайди. Шунда ўғли туриб айтди¦вакт бевакт бировникига мехмон келса , отини ушлаб жой бор бўлса ,кўнглини хушлаб жўнатса булл хам сахий агаржой бор туриб , жой йўк деб кўндидилмай жунатса булл одам бахил.

Вакти-бевакт бир киши мозоротнинг каботидан ўтса ,бул хам сахийлик. Агар хар ким мозордан ўтганда чап оёгини узангидан чикармай , мозоротнинг хаккига дуо килмай ўтса ,булл хам бахил.

Бул сўзни Бойбўрибий Хакимбейдан эшитиб фикр килиб « мен ўн олти уруғ кўнғирот элининг хам бойи бўлсам хам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман. Менинг давлатимга ёлғиз иним бахилликка чикиб кетмасин.» деб уз кўнглида « Бойсарибий укам менга закот бериши керак экан- деб уйлади. Ўйлаб Бойсарига боринглар Бойсари ўз розичилик билан чиккан бир улокни закот деб менга берсин. Закот ўрнига ўтади. Бойсари бахил билан , бахилликка чикиб кетмасин» деб ўн тўрт мархамни буюрди.

Бойсарибий ўн минг уйли кўнғирот эли билан кўчиб бориб , Кўккамиш кўлида элибойлик (чорвачилик) молларини семиртириб , яйловда ётган бўлади.

Ўн минг уйли кўнғирот элининг бойваччалари билан йиғилиб, бир ерга жам бўлиб , бахмал ўтовини тикиб кимиз ичилиб кайф-сафо килиб ўтирган бўлади. Бойсарибийнинг жахли чикиб унга ботиб кетади ва акасининг Бойбўрининг ўн тўрт нафар махрамларининг кулок бурнини кесиб ўзларига егизиб отига терс мингизиб кайтариб юборади. Шунча ишни килса хам кўнгли тўлмай «энди биз ўз юртимизда сигинди бўлиб юрадиган бўлсак бу ерда бизнинг турганимиз бекор»- деб ўн минг уйли кўнғирот эли билан маслахатлашиб кўчиб кетадилар.

Кулок солинг Бойсарибий тилига,

Кўчиб кетай менам камол элига.

Давлат кўнса бир чибиннинг бошига

Сумурғ кунлар салом берар кошига.

Кулок солинг Бойсарибий нолишига.

Калмок бориб кўрсам Чилбир дошига

Колма шаходат мусулмоннинг тилига

Азамат бош берар диннинг йўлига

Турарим йўк Бойсин кўнгирот элига.

Ўз элим деб яна бунда турганда

Ўз акама ўзим закот бергунча

Ўз акамдан бундай хўрлик кўрганча

Калмок бориб жузья берсам бўлмайми?

Закот деган гапни акам чикариб

Менинг тоза улсизлигим билдирди.

Бойсари Ўз акама ўзим закот бергунча ўзга юртда жузья бериб юрганим яхши деб минг уйли кўнғирот элини Кашал юртига кўчадилар.

Чилангар эплайди гапнинг эпини

Шул замонда олтмиш норни чўктириб

Устига юкланган кирмизи парга.

Кемликни кўрмаган сатта бойвачча

Йўл-йўлакай улок чопиб боради.

Ошикнинг фахмидир коронгу кеча

Хафа бўлиб борар Барчин ойимча

Жафо тортиб бораётир бир неча

Закот вокеаси туфайли Бойсари ва Бойбўрининг ички дунёси очиб берилади. Бойсари закотни нотўғри тишунади. Бойбўри укам закот бермаса бахил одамлар тоифасига кириб колади деб ўйлаб закот сўратган эди. Ака-ука иккаласи хам бой бадавлат одамлар.

Ўз эли нафсонияти ,ориятини ўйлайди. Бир-бирига мехрибон Бойсарини бир кизи бор эди. Бойбўрининг ўғли ва кизи бор эди. Улар туғулган пайтда Барчин ва Алпомиш туғилган пайтда(кулок кертти) унаштирилган эдилар. Бойсарини кизи Барчин Бойбўрининг ўғли Алпомиш бир-бирини севишадилар.

Достонда Ёртибой оксокол образи хам ёркин тасвирланган. У тўғри сўз, кескир оксокол, бахамчиликни кадрлайдиган,ўз бийини хурмат киладиган киши сифатида намоён бўлади. Бойсарибий «кўчамиз» деб ўн минг уйли кўнғирот эли билан маслахатлашганда Ёртибой оксокол шундай дейди..

Дам шу дамдир ўзга дамни дам дема

Бу элотни колар деб хам ғам ема

Кайга кўчсанг бизлар бирга борамиз

Болаларни жахонгашта киламиз.

Алпомиш достонида ўзига ататтирилган кизни калмоклар орасида талашлиги учун жонини тиккан буюк кахрамон Алпомишнинг дўсти Коражон инсоний фазилатлари билан кўпчилик эркаклардан баланд тура оладиган Ойбарчин ва Калдиргоч тимсоллари миллатимизда хос баланд сифатларни акс эттирган. Алпомишнинг синглиси Калдиргоч Барчинойга ёзган хатни акасига бераётиб , шундай дейди:

…Ака сенга айтадиган арзим бор

Талаш бўпти бийнинг кизи зулфакдор

Мард йигитнинг ёри талаш бўлами

Эр йигитнинг ёрин калмок олами

Барчин чечам талаш бўлиб колами?

Келар дебди сендан умид килибди.

Калмокдан олти ойга мухлат олипти

…Умид килиб сенга арза тортибди.

Хат кўтариб ўн бойбичча келипти.

Англамай отама хатни берибди.

Отам хатни булл сандикка солибди.

Энди билиб синглинг олиб келибди.

Калмоклардан чечам жабр кўрибди.

Ака айтган сўзим огир олмагин

Нормада ишни бунда килмагил

Отасининг отбокари Култойдан бир чибор отни амаллаб олади. Чунон Бойсари айтган Култойни , отни бермаганидан кейин осмонга отиб ,чалканча келади.,ушлаб олиб ерга кўяди ва тиззасини кўкрагига кўйгач Култой от беришга мажбур бўлади. Алпомиш йилки танламокчи булиб, уч марта кўрикни йилкиларга отади ва шундай дейди: «Саман сўрига туш ,ё олапага тўғри туш , шарроқнинг зўрига туш» -дейди. Учала отганда хам бир чибор от бўйнига тушаберди. Такдир шу экан деб, шу отни етаклаб келади. Лекин отдан кўнгли тўлмайди. Шунда синглиси Калдиргоч акасининг кўнглини кўтаради.

Ўзи шундай келган экан човкор кўк

Куйруғидан берисинда кири йўк

Мингларга бўладиган кўнгли тўк

Буни минсанг йўлли бўласан.

Алпомиш кескир киличини белига бойлаб, Арпали кўлидан отлана берди. Синглиси Калдиргоч Алпомиш Алпинбий бобосидан колган ўн тўрт ботмон (бир ботмон 15кг) биринчидан бўлган парли ёйни эгарнинг кошига солиб олди. Калдиргоч акасини отлантириб от-анжомини чахлаб яхши бор деб , бул сўзни айтиб турди:

Кайга борсанг , Шохимардон ёр бўлсин

Ўнинмом , чилтон жиловдор бўлсин.

Душманларнинг кўрса сени хор бўлсин

Соғ бориб , саломат келгин, бек ога

Худойим саклагай бандани омон,

Ғариб кулга эгам бўлгай мехрибон

Колсанилла дуо килдим булл замон

Соғ бориб , саломат келгин , Алпиншох,

Эл кўчириб , Олатовдан оширдим

Улуғланиб , остонага бош урдим.

Барчин эмикдошим , хакка топширдим

Якинлари хўшлашиб йўлга чиккан Алпомишга Шохимардон пир ва кирк чилтонлар хамиша калмокка боришнинг биринчи кечасида ухлаб ётган Алпомиш рухини Барчинники билан учраштирадилар.

Алпомиш , Коражон ва Барчинга тушлари воситасида келажак такдирлари баён килинади.

Шохимардон пир ва кирк чилтон хам мифологик образидандир. Алпомишга Барчинга албатта етишасан , отингни хамиша пирлар кўллайди. Барчинга Алпомишнинг келишини билдиради. Кашал ғорида тўксон калмок ичида Коражон алпга , мусулмон бўлиб Алпомишга дўст тутинасан деб

огохлантиради. Шохимардон пир образини «Ролланд хакида кўшик» поэмасидаги архиэпископ Туркин франк жангчиларга мажусийларни енгсангизлар албатта «тўппа-тўгри жаннатга тушадилар» деб гап таркатади ва жангчиларни мард, кўркмас бўлишига ундайди.

«Ролланд хакида кўшик», поэмаси хам «Алпомиш» достонида хам географик номлар зўр махорат билан танланган ва асарда жозибадорлик билан тасвирлан.

Масалан Францияни «азиз гўзал» Франция деб , табиат манзаралари Пириней тоглари, Ранцеваль дарасидаги жанг лавхалари ажойиб махорат билан бадиий ифодасини топган. Динийкарашлар ривожланган Арабистон, Мавритания, Сарагос шахри , Испания давлати, Бардо, Райис шахарлари зўр махорат билан тасвирланган.

«Алпомиш » достонидаги вокеалар асосан чўлда , тоғда ва тоғ ён бағирларида бўлиб ўтади. Масалан Бобохон тоғи , Барчинлар кўчиб келган Кашал юртига шу тоғдан ошиб ўтиши керак бўлади Бойсин эли , Тойчи вилояти , Калмок юрти (Сурхайл кампир ва унинг етти ўгли тугилган жой). Бир неча куй номларига дуч келамиз. Ойбарчиннинг шартлари Чилбир чўлида , Ойна кўли бўйларида бўлиб ўтади. Бу шартларнинг бажарилиши масалан от пойгаси:

… Жонни сотиб Чибор кетиб боради,

Коражонбек шундай бўйлаб каради.

Милдирагак бир корани кўрани.

Олис йўлдош отни кигаб боради.

Такимида беш юз ботмон калтаги кайкашиб боради бадбахт Кўкалдош Алп Кўкалдош шундай бурилиб каради

«Чу»- дейди Дунанга камчи уради

Яшиндай бўп окиб кетиб боради.

Шопириб иргийди назари чипор

«Чу» -деб камчи урди Коражон кайсар

Кувиб у Дўнанга етди Бойчибор

Олатов Муродтепа Зил тоғи Бобохон тоғи оралиғида жойлашган Коражон алп Муродтепанинг устида Алпомишни учратади ва шундай тасвирлайди. Тепанинг бошида Юсуф талгатли Рустам бошида Калмок юртига кескир киличини, ўн тўрт ботмон парли ёйини бериб, Арпали кўлидан жўнатади.

Кўкалдош кўли Барчинойнинг Алпомишнинг ёзган хабарида тилга олинади.

У ўн чопарини жўнатаётиб шундай дейди:

Кечани мунаввар килган ой

Савашли кун тортилади парли ёй

Бандам десин ,рахм айласин бир худой

Кашалда , талашда колди ,Барчиной.

«Ролланд хакида кўшик» поэмасида мавр-сарацинлар ва франкларнинг диний курашлари , отларнинг дупир –дупирлари , жангчиларнинг кийкириклари , жангга чорловчи киличларнинг щакир-шукурлари каби жанг эпизодлари зўр махорат билан тасвирланган .

«Алпомиш » достонида ундан кейин дин учун кураш манзаралари тасвирланмаган. Икки ака-уканинг ўртасидаги закот вокеаси туфайли ўртада зиддият чикади. Ука кащал юртига ўн минг уйлик кўнғиротлик чорвадорлар Чилбир чўлига бориб жойлашадилар. Чилбир чўли калмоклар юртида жойлашган. Калмоклар ўзбекларнинг бир гўзал кизи бор экан шуни «биримизга» ё «баримизга» хотин килиб оламиз деб жанжал чикарадилар. Барчиной хам тўрт шарт айтади. Шу тўрт шартни бажарганга тегаман деб каттик туриб олади.

Шартларни бажарадиган вокеалар от пойгаси , пахлавонлар кураши , минг кадамдан кахрамонларнинг урушлари билан достонда жуда зўр бадиий тил билан содда, марокли килиб тасвирланган. Иккала асарда хам кахрамонларга тегишли отларнинг исмлари бор «Ролланд хакида кўшик»поэмасида Ролланднинг отининг лакаби «Дюрандалъ» Оливынинг отиники «Билъянтиф», «Алпомиш»достондаги Алпомишнинг отининг лакаби «Бойчибор» Кўкалдошнинг отининг лакаби «Кўкдўнан» деб аталади. Хар икала асар хам ватанпарварлик рухи билан суғорилган.

Кахрамонлар хеч нимадан кўркмайдиган ,арслон келбатли, ўз юртига вафодор сифатида гавдаланган. Асарда кўлланилган муболагалар, асарларнинг бадиий безалишини таъминлаган халкчиллигини оширган. Шунинг учун хам бу епик асарлар бизнинг асиримизгача етиб келган. «Алпомиш» достони асосида кинофильмлар, болалар учун кичкинтойларга атаб фильмлар яратилган. «Алпомиш» достонида ўзбек миллатига хос енг юксак маънавий-ахлокий сифатлар, айни вактда айрим миллатдошларимиздан чекланганлик ва ожизликлар буюк бир махорат билан тасвирланган. Бу асар шунчаки бир достон емас, балки халкимизнинг маънавий оламини кўрсатувчи кўзгудир.Шунинг учун хам 1999-йилда ушбу достон яратилганинг минг йиллиги мамлакатимизда байрам килинди. «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабок беради. Одил ва хакгўй бўлишига, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриклашга, дўст-у, ёримизни, ор-номусимизни… хар кандай тажовуздан химоя килишга ўргатади.

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асаридан.

## 3. Хулоса

## Алпомиш достони хакида

Халк достонлари кадимиятнинг буюк бир эхсони ўз даври яратилган даврнинг умумий дунёкараши айни пайтда жонли ва анъанавий ижод ва ижро шароитларида халк рухининг объектив холатини даврлар аро ифодалаб мазмун ва шакл жихатидан гох кенгайиб, гох торайиб аждодлардан авлодларга оғзаки равишда етиб келганада бунёдгорликлар хисобланади. Зеро улар халк миллий тарихий афсоналардан кобиғига ўралган. Кахрамонлик вокеаларининг ўзига хос бадиий ифодасидир.

Халк кахрамонлик достонлари деярли бирга халкларда хам асрлар давомида яратилди ва уларнинг энг яхши намуналари халк санъаткорлари-бахшилар томонидан жонли эпик анъаналарда оғзаки равишда бизгача олиб келинганлигини биз ўз ишимизни ёритишда бунга амин бўлдик.

Алпомиш достони халкимиз асрлар давомида яратган ўз иймон-эътикодидек асраб-авайлаган, канча авлод-аждодларимиз «Алпомиш» достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган маънавий бойликка эга бўлган. Демак халкимиз бор экан Алпомиш сиймоси хам бархаёт. Чунки «Алпомиш» достони ижодий тафаккуримиз маънавий бойлигимизнинг ёркин наъмунаси бўлиб, тарихий илдизларимизнинг канчалик чукур эканини билиб, ўз бошига тушган кийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёркин бўёкларда тасвирлаб беради.

Шу ўринда асардаги кичик бир мисолга мурожат килайлик. Ота-боболаримизнинг кадимий тасаввурига кўра, ўк-ёй–хокимиятни шони хисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон бирисдан-бронзадан ясалган ёйдан ўк отиб «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп–дегани-хокимият эгаси эканини инобатга олсак бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига хам ишонч хосил киламиз.

Бир сўз билан айтганда халкимизнинг енгилмас баходири-Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан бало-казолардан асрашга кодир керак бўлса бу йўлда жонини хам фидо килишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз-бугунги алпомишларнинг маънвий киёфасини кўрамиз. Ишонаманки хар бир авлод мана шу кахрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодга етказади. Бу кахрамонлик эпосини куйлаб уни калбига шуурига жо килган миллатни эса хеч кандай куч енга олмаслигини мухтарам Президентимиз кўп бора таъкидлаб ўтадилар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1.Алпомиш: Ўзбек халқ қахрамонлик достони. - Т., 2010.

2. Жирмунский В.М. Сравнительное литературов едение Восток и Запад. - Л., 1973.

4. Жирмунский В.М., Зарифов Узбекский народний героический эпос - М., 1957.

5. Жоббор Эшонкул Фольклор: образ ва талқин. - Карши, 1999.

6. Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи.- Т., 1973.

7. Мирзаев Т. Эпос и сказатель. - Т., 2008.

8.Смирнов А.А. Песнь о Роланде. - М., 1964.

9. Тўмашевский Н. Песнь о Роланде. - М., 1976.

10. Ўзбек халк достонида: Алпомиш. - Т., 1992

11.Штейн А.Л. История французской летературы. - М., 1988

12. Шишмерев В.Ф. Французская литература. - М., 1965.

13.Françoise Plequin Littérature française. - P., 2001.

14.Gautier L. Les èppoées françaises. - P., 1971

15. La France. - P., 1998

16. Michaud G. Le nouveau guide France. - P., 1996

17.Oumberov N. Histore de la littérature française. – T.,2001

18.Zink M. Introduction à la littérature française de Moyen Age. – P., 1993

Урганч давлат университети чет тиллари факультети француз тили таълим йўналиши 4-курс талабаси Маткаримов Хурсандбекнинг “Француз ва ўзбек эпосларининг қиёсий таҳлили” мавзусида ёзган битирув малакавий ишига

**Ташқи тақриз**

Мен, Сабиров Қахрамон талаба Маткаримов Хурсандбекнинг битирув малакавий иши билан танишиб чиқдим.

Изланувчи талаба ўзининг битирув малакавий ишида оғзаки адабиёт анъаналарини ривожлантириб, уларни авлоддан – авлодга етказиш йўлида хизмат қилаётган илм кишиларини қилган ижодларини ёшлар онгига қиёсий таҳлили доирасида етказиш мақсадида танлагани мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Иш кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Талаба ишнинг кириш қисмида халқ оғзаки ижоди, унинг тараққиёт босқичи, хусусан, ўрта асрлар адабиётининг бошланғич даври, француз ва ўзбек поэзиясининг илк намуналари ҳақида маълумотлар келтиради.

Ишнинг биринчи бобида талаба “Ролланд ҳақида қўшиқ” ва ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонларининг яратилиш тарихи ва уларда ифодаланган инсоний туйғуларни баён қилди.

Ишнинг иккинчи бобида эса, “Ролланд ҳақида қўшиқ” ва туркий халқлар эпослари қиёсий таърифланиши билан бирга талаба француз ва туркий халқлар эпосларида куйланувчи ватан равнақи, эл юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун фидойилик каби ўхшаш жиҳатлар улуғланиши ҳақида сўз юритади.

Хулоса қисмида талаба бугунги кунда аждодларимиз қолдириб кетган буюк адабий меросларни чуқур ўқиб ўрганишимиз ва уларни дунё халқлари орасида кенг тарғиб қилиш бўйича ўз фикрларини баён қилади.

Иш тугалланган, мен уни ҳимояга тавсия қиламан.

**ХВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси** **Қ.Собиров**

Урганч давлат университети чет тиллари факультети француз тили таълим йўналиши 4-курс талабаси Маткаримов Хурсандбекнинг “Француз ва ўзбек эпосларининг қиёсий таҳлили” мавзусида ёзган битирув малакавий ишига

**Тавсиянома**

Мен, доц. Х.Рузметов талаба Маткаримов Хурсандбекнинг “Француз ва ўзбек эпосларининг қиёсий таҳлили” мавзусида ёзган битирув малакавий ишига раҳбарлигим давомида талабага мавзуга доир кўплаб адабиётлар мавжудлиги, улардан унумли фойдаланиши, илмий манбаларни тўплашига ва мавзуга доир илмий қарашларга ўз фикрини баён қилиши каби масалаларга эътибор бериши кераклиги ҳақида маслаҳатлар бериб бордим.

Маълумки ҳар бир миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. “Ролланд ҳақида қўшиқ” (Chanson de Rolland), “Алпомиш” каби машҳур асарлар шулар сарасига киради.

Битирув малакавий иш кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Талаба Х.Маткаримов ўзининг битирув малакавий ишида ўзбек халқи азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва халоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳловонлар этиб тарбиялаб келганлиги, шу маънода халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган “Алпомиш” достони бўлса, француз халқининг ана шундай қаҳрамонлик қўшиғи бу “Chanson de Rolland” (Ролланд ҳақида қўшиқ) дир. Ҳар иккала эпик асар ҳам миллатларнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғи, халқларнинг қадимий ва шонли тарихи эканлиги ҳақида маълумотлар беради.

Талаба ҳар иккала асар қаҳрамонларини фавкулотда мард, жасур ва соғлом, сахий, мазлумларга ёрдам бериш, ватан учун жонини фидо қилишга

тайёр турган идеал кишилар қилиб кўрсатилганлиги билан бирга, асарда салбий образлар, яъни бош қаҳрамонга қарама-қарши образларнинг гавдалантирилиши каби ўхшаш лавҳаларни мисоллар ёрдамида ёритади.

Х.Маткаримов жаҳон халқлари эпосида эпик қаҳрамонларнинг бир-бирига яқинлаштирувчи лавҳалар кўпчиликни ташкил этиши, эпик қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганда эса, унинг оти ва қуролини узвий бирликда олиб қараш лозимлигини, ғарб ва шарқ фольқларида ушбу хусусият бир-бирига тўлик мос келиши ҳақида хулосалар келтиради.

Талаба битирув малкавий ишини ёзишида кўплаб адабиёт ва илмий манбалардан самарали фойдалана олган.

Битирув малакавий иш тугалланган, мен уни химояга тавсия қиламан.

**Илмий раҳбар** **ф.ф.н., Х. К. Рузметов**

Урганч Давлат университети

чет тиллар факультети

француз тили кафедраси

“24 ” апрел 2012- йил

Урганч шаҳар

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимояси

бўйича комиссия аъзолари мажлиси № 10 сонли

**БАЁННОМАСИ**

Комиссия аъзолари

1. Рўзметов Ҳ.Қ
2. Маткаримов С.Р.
3. Аннамуратов Ш.Х.

“Тасдиқлайман”

Кафедра мудири

в.б. Маткаримов С.

“_24_”апрел_2012 й.

**К У Н   Т А Р Т И Б И:**

**Эшитилди**: 401-гуруҳ талабаси Маткаримов Хурсанднинг «Француз ва Узбек эпосларининг киёсий тахлили» мавзусидаги битирув малакавий иши ҳақидаги маърузаси эшитилди ва муҳокама қилинди.

**Қарор қилинди**:

401-гуруҳ талабаси Маткаримов Хурсанднинг «Француз ва Узбек эпосларининг киёсий тахлили» мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия қилинсин.

**Имзолар**:

1._______________

2._______________

3._______________

**Урганч-2012**

# ЭКСПЕРТНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

**о возможности опубликования**

Экспертная комиссия *Ургенчского Государственного университета*

(**организация с указанием ведомственной преднадлежности**

*имени Аль-Хорезмии*, рассмотрев *выпускная квалификационная работа Маткаримова Хурсандбека по теме: «Француз ва ўзбек эпосларининг қиёсий таҳлили»*

**(Ф.И.О. автора, вид, название материала)**

подтверждает, что в материале *не содержатся*

**(содержатся ли сведения, или не содержаться**

*сведения, предусмотренные разделом 3 Положения 95*

**предусмотренные разделом 3 Положения 95 )**

**НА ПУБЛИКАЦИЮ МАТЕРИАЛА** ***НЕ СЛЕДУЕТЬ***

**(следует ли, не следует)**

Получать разрешение *МВССО Республики Узбекистан*

**(министерства, ведомств или др. организации )**

**Заключение:** *Выпускная квалификационная работа студента Маткаримова Хурсандбека по теме: «Француз ва ўзбек эпосларининг қиёсий таҳлили» » можно опубликовать в сети ZiyoNET.*

**Председатель комиссии**

**(руководитель-эксперт)** __________________ **Рузметов Д.**

**Патентовед** ________________ **Болтаева М.**

**Старший инспектор 1-отдела** ______________ **Бердиев Ж.**